# XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2708,6 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 9027 кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди. Шундан, 1749,3 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 64,6 фоизи) ва 959,3 минг киши – қишлоқ жойларида (35,4 фоизи) истиқомат қилади.

**2018 йил 1 апрель ҳолатига ҳудудлар майдони ва аҳоли зичлиги**




Вилоятнинг худудий майдони 7444 кв.км.ни ташкил этиб, аҳоли зичлиги 1 кв.км.га ўртача 362,8 киши тўғри келади. Аҳоли зичлиги юқорилиги бўйича шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Наманган шаҳарда 1 кв.км.га ўртача 4130,9 киши, Наманган туманида 1 кв.км.га ўртача 841,1 киши ва Тўрақўрғон туманида 1 кв.км.га ўртача 792,6 киши тўғри келмоқда.

Аҳоли зичлиги паст бўлган туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Поп тумнида 1 кв.км.га ўртача 72,6 киши, Мингбулоқ туманида 1 кв.км.га ўртача 162,8 киши ва Чуст туманида 1 кв.км.га ўртача 271,9 киши тўғри келмоқда.

**Наманган вилояти худудлари**
**бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот**
*(2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига)*

| | *Доимий аҳоли сони, минг киши* | | |
|---|---|---|---|
| | *жами* | *шу жумладан:* | |
| | | *шаҳар* | *қишлоқ* |
| **Вилоят бўйича:** | **2 708,6** | **1749,3** | **959,3** |
| *шаҳарлар:* | | | |
| Наманган | 602,3 | 602,3 | - |
| *туманлар:* | | | |
| Мингбулоқ | 121,0 | 41,9 | 79,1 |
| Косонсой | 200,4 | 121,4 | 79,0 |
| Наманган | 171,5 | 50,8 | 120,7 |
| Норин | 157,9 | 72,6 | 85,3 |
| Поп | 212,0 | 121,7 | 90,3 |
| Тўрақўрғон | 217,0 | 123,7 | 93,3 |
| Уйчи | 204,0 | 99,5 | 104,5 |
| Учқўрғон | 165,7 | 71,1 | 94,6 |
| Чортоқ | 191,5 | 127,9 | 63,6 |
| Чуст | 255,9 | 171,8 | 84,1 |
| Янгиқўрғон | 209,4 | 144,6 | 64,8 |

## Аҳолининг табиий ҳаракати

*(январь-март ойларида)*

| | *киши* | | | *ҳар 1000 кишига* | |
|---|---|---|---|---|---|
| | *2017 й.* | *2018 й.*[1)] | *ўсиш, камайиш* | *2017 й.* | *2018 й.*[1)] |
| Туғилганлар | 12278 | 12483 | 205 | 18,7 | 18,7 |
| Ўлганлар | 3250 | 2973 | -277 | 5,0 | 4,5 |
| Табиий ўсиш | 9028 | 9027 | -1 | 13,7 | 14,2 |
| Никоҳлар | 3197 | 3253 | 56 | 4,9 | 4,9 |
| Ажралишлар | 540 | 574 | 34 | 0,8 | 0,9 |

### Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти

*2017 йилнинг январь–март ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)*




**Туғилиш даражаси.** 2018 йил январь-мартда туғилганлар сони 12483 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (12278 киши) нисбатан 205 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 18,7 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (18,7 промилле) нисбатан ўзгариш бўлмади.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Наманган (17,9 дан 18,4 промиллега) ва Чортоқ (16,7 дан 16,0 промиллега) туманларида кузатилди.

---

[1)] *дастлабки маълумот*

**Ўлим даражаси.** 2018 йил январь-мартида ўлганлар сони 2973 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (3250 киши) нисбатан 277 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,5 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-мартида – 5,0 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Поп (4,7 дан 3,7 промиллега), Тўрақўрғон (5,4 дан 4,7 промиллега), Учқўрғон (5,4 дан 4,9 промиллега), Чуст (4,9 дан 4,1 промиллега) ва Мингбулоқ (4,7 дан 4,0 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 50,7 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 7,3 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан 5,6 фоизи - бахтсиз ҳодиса заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этганлар ҳисобига тўғри келди.

**Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши**
*(2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига, фоизда)*




Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-мартида бир ёшга тўлмаган 151 та болалар ўлими кузатилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 32,4 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 33,8 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан ва 18,5 фоизи – туғма аномалиялар билан касалланганлиги сабабли вафот этганлар ҳисобига тўғри келган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2018 йил январь-мартида ФҲДЁ органларида 3253 та никоҳлар ва 574 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 4,9 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 4,9 та) ва 0,9 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида – 0,8 та) тўғри келади.

**2018 йилнинг январь–март ойларида тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони**

*(бирлик)*

| | *Тузилган никоҳлар* | | *Никоҳдан ажралишлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | *2017й.* | *2018й.* | *2017й.* | *2018й.* |
| **Вилоят бўйича:** | **3197** | **3253** | **540** | **574** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Наманган | 470 | 483 | 131 | 126 |
| *туманлар:* | | | | |
| Мингбулоқ | 167 | 192 | 16 | 27 |
| Косонсой | 218 | 202 | 33 | 63 |
| Наманган | 123 | 112 | 30 | 35 |
| Норин | 201 | 190 | 48 | 46 |
| Поп | 342 | 371 | 45 | 53 |
| Тўрақўрғон | 211 | 267 | 41 | 37 |
| Уйчи | 253 | 263 | 45 | 39 |
| Учқўрғон | 201 | 187 | 31 | 33 |
| Чортоқ | 239 | 268 | 35 | 46 |
| Чуст | 436 | 446 | 48 | 33 |
| Янгиқўрғон | 336 | 272 | 37 | 36 |

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1190 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 1673 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 483 кишига (2017 йилнинг шу даврида - манфий 266 киши) тенг бўлди.

Энг катта манфий қолдиқлар Наманган шаҳрида (манфий 436), Норин (манфий 49), Тўрақўрғон (манфий 38) ,Поп (манфий 34) туманларида кузатилди.